

# Лойиҳа қидирув ишларини бажариш учун

2022-2-сон

## ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2022 йил “23” январь

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, бундан буён матнда “**Буюртмачи**” деб юритилувчи номидан вазир ўринбосари М.И.Рузметов бир томондан ва Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти бундан кейинги ўринларда “**Бажарувчи**” деб юритилувчи номидан институт директори Ш.М.Бобомуродов иккинчи томондан ўз низомлари асосида, қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

### I. Шартноманинг асослари, баҳоси ва тўлов шартлари

1.1. Шартнома “**Буюртмачи**”нинг топшириғига биноан “**Бажарувчи**” томонидан қуйидаги ишларни бажарилишини белгилайди: “Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.

1.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **427 222 999 (Тўрт юз йигирма етти миллион икки юз йигирма икки минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўм** бўлиб, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) олинмайди.

1.3. “**Буюртмачи**” ушбу шартнома имзолангандан сўнг, шартнома умумий қийматининг 30 фоизини олдиндан ва тўловнинг қолган қисмини эса ишни бажариш далолатномаси ва белгиланган тартибда тугатилган ишларни қабул қилиб олиш хужжатларини расмийлаштириш мобайнида тўлаб боради.

1.4. Шартномада белгиланган ишнинг қиймати амалдаги ва жорий нархларга ўтиш қўлланмаси ҳамда шартномавий нархлар билан белгиланади.

1.5. Ишларни бажариш учун қўйиладиган илмий-техникавий, иқтисодий ва бошқа талаблар, лойиҳалаш топшириғи билан, ишнинг номи ва бажарилиш муддати (босқичлари) эса календар режа билан аниқланади, улар мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

### II. Тарафларнинг мажбуриятлари

2.1. “**Бажарувчи**”нинг мажбуриятлари:

2.1.1. Буюртмани амалдаги норматив-услубий хужжатларга мувофиқ календар иш режасида назарда тутилган ҳажмда сифатли ва тўлиқ бажариш;

2.1.2. Шартнома талабларига мувофиқ тартибда ва ҳолатда ишларни бажариш ва “**Буюртмачи**”га топшириш;

2.2. “**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари:

2.2.1. “**Бажарувчи**”га техник топшириқ бериш ва у билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини келишиш;

2.2.2. Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва унинг қийматини ўз вақтида бажарувчига тўлаш.

### III. Ишни топшириш ва қабул қилиш тартиби

3.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш техник топшириққа мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Бажариладиган ишларнинг босқичлари, тугатилиши билан боғлиқ ҳолда расмийлаштириладиган ҳужжатлар рўйхати ва топшириш тартиблари техник топшириқ билан ҳамда бажарилган ишлар далолатномасига асосан босқичлар бўйича қабул қилиб олинади, сўнг ҳақ тўланади.

3.3. **“Бажарувчи”** ишни томомлагандан сўнг **“Буюртмачи”**га бажарилган иш (босқич)ларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини техник топшириқда кўзда тутилган ҳужжатлар мажмуи билан биргаликда тақдим қилади.

3.4. **“Буюртмачи”** топшириш-қабул қилиш далолатномасини мазкур шартноманинг 3.3 - бандида кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун давомида ишни қабул қилиши лозим ва **“Бажарувчи”**га имзоланган топшириш-қабул қилиш далолатномасини ёки ишни қабул қилмаслик сабабини асословчи ёзма изоҳни тақдим этиши шарт.

3.5. **“Буюртмачи”** ишни қабул қилишини асосли рад этса, кўшимча бажариладиган ишлар ва уларнинг бажариш муддатлари кўрсатилиб икки томонлама далолатнома тузилади.

3.6. Ишни бажариш жараёнида уни давом эттириш ёки тўхтатиш тўғрисида томонлар бир-бирини 5 (беш) кунлик муддат ичида хабардор қилишга ва мақсадга мувофиқ ишни давом эттириш тўғрисидаги масалани 15 кунлик муддат ичида кўриб чиқишга мажбурдирлар.

3.7. Бажарилаётган иш “асосли равишда тўхтатилган ва уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмас” – деб топилган тақдирда, ишнинг бажарилган қисми учун **“Буюртмачи”** томонидан **“Бажарувчи”**га ҳақ тўланади.

### IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Тарафлар шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги ва амалдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан жавобгар бўладилар.

4.2. **“Буюртмачи”** томонидан мазкур шартноманинг 1.3-бандида назарда тутилган шартнома умумий қийматининг 30 фоизи (аванс) кечикиб тўланган тақдирда, ишни тамомлаш муддати шунга мутаносиб муддатга узайтирилади.

4.3. Бажарилган ишда асосли камчиликлар а ниқланган тақдирда, **“Бажарувчи”** камчиликларни ўз ҳисобидан тарафлар томонидан келишилган муддатда бартараф этишга мажбур.

4.4. Ушбу шартнома бўйича келиб чиққан барча низолар ўзаро келишув йўли билан, унинг имкони бўлмаган тақдирда Тошкент шаҳар Иқтисодий суди томонидан ҳал қилинади.

### V. Қўшимча шартлар

5.1. **“Бажарувчи”** бажариладиган ишларни қийматининг ошиши мумкинлиги тўғрисида **“Буюртмачи”**ни ўз вақтида (ёзма) хабардор қилишга ва **“Буюртмачи”**нинг ёзма розилигини олмагунга қадар ишни тўхтатиб туришга ҳақлидир. Агар **“Буюртмачи”** **“Бажарувчи”** тақдим этган нархда ишни давом

эттиришни “максадга мувофиқ эмас” деб ҳисобласа, у ҳолда “Буюртмачи” “Бажарувчи” томонидан кўрилган зарарларни тўлиқ ҳажмда қоплайди.

5.2. Шартнома шартларига тарафларнинг ёзма розилиги билан келишув битими орқали ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.3. “Бажарувчи” ўз мажбуриятини бажариш учун учинчи тарафни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

5.4. Мазкур шартномага илова қилинган техник топшириқ, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома унинг ажралмас қисми саналади.

5.5. Ушбу шартнома имзоланган вақтда кучга киради ва 2022 йил 31 мартгача ҳақиқий ҳисобланади.

## VI. Тарафларнинг реквизитлари

**Бажарувчи:** Тупроқшунослик ва агрокимё илмийтадқиқот институти.

**Манзили:** 100179, Тошкент ш.,

Олмазор тумани, Қамаринсо кўчаси, 3 уй. **Тел.:** (71) 246-15-37

**Л/сч:** 400110860262807048210190001,

ИНН-201603524, ОКОНХ -95110,

ОКЭД: 72190

Молия Вазирлиги Ғазначилиги ХККМ

МБ ББ Тошкент ш.,

**Р/сч:** 2340 2000 3001 0000 1010,

МФО-00014, ИНН-201122919.

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ хўжалиги вазирлиги

**Манзили:** 100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй.

**Тел.:** 260-47-94

**Л/сч** 100010860272487049920082001, ИНН 305 636 074 ОКЭД-84111

**Банк:** Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб китоб касса маркази.

**р/сч.** 23402000300100001010, ИНН-201 122 919 , МФО-00014

Мазкур шартномага: техник-топшириқ, ишни бажариш календар режаси, бажариладиган ишлар ҳисоблари (сметалари) ва шартномавий баҳони келишганлиги ҳақидаги баённома илова қилинади.

**БАЖАРУВЧИ**



**Ш.М.Бобомуродов**

**БУЮРТМАЧИ**



**М.И.Рузметов**

Келишилган шартномавий нархлар тўғрисидаги

**Баённома**

2022 йил “25” январь

Бизлар, куйида имзо қўйувчилар “Буюртмачи” номидан Қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари М.И.Рузметов ва “Бажарувчи” номидан Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти директори Ш.М.Бобомуродовлар 2022 йил “25” январдаги 2022-2-сон шартноманинг келишилган нархи 427 222 999 (Тўрт юз йигирма етти миллион икки юз йигирма икки минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўмни ташкил қилишини ҳақиқатдан тасдиқлаймиз.

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” томонидан “ҳисоб-китоб қилиш учун асос” - деб ҳисобланади.

**БАЖАРУВЧИ**



**Ш.М.Бобомуродов**

2022 йил “25” январь

**БУЮРТМАЧИ**



**М.И.Рузметов**

2022 йил “25” январь

М. ў.

## ХУЛОСА

“Буюртмачи” номидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан “Бажарувчи” Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти ўртасида 2022 йилни “25” январида умумий суммаси 427 222 999 (Тўрт юз йигирма етти миллион икки юз йигирма икки минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўм бўлган 2022-2-сон “Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” тўғрисидаги шартнома лойиҳаси юзасидан, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институтининг юрисконсульти Ш.Абдухалилов томонидан:

Мен, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ости ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимни билдираман:

1. Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тадбиркорлик субъектларига ягона дарча тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона дарча марказининг 2020 йил 19 ноябрдаги № 3701806-сон реестр рақами билан давлат руйҳатидан қайта ўтказилган ва институт директори Ш.Бобомуродов хўжалик шартномаларини имзолаш ҳуқуқига эга.

2. “Бажарувчи”нинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари тўғри.

3. Мазкур шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига тўлиқ мос келади.

Шу сабабли ушбу шартнома лойиҳасини имзолаш мумкин деб ҳисоблайман.

“25” январ 2022 й.

Тупроқшунослик ва агрокимё  
илмий тадқиқот институтининг  
юрисконсульти



Ш.Абдухалилов



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Вазирлик Эксперт гуруҳи  
раҳбари  
М.И. Рузметов  
“25” январь 2022 йил

**“Буюртмачи”** Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги номидан вазирнинг ўринбосари М.И.Рузметов билан **“Бажарувчи”** Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти директори Ш.М.Бобомуродовлар ўртасида тузилаётган 2022 йил **“25”** январдаги 2022-2-сон “Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” номли шартнома лойиҳасига

### **ЭКСПЕРТ ХУЛОСА**

Биз, ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида экспертиза қилиб, қуйидаги мулоҳазаларимизни билдирамиз:

1. Ушбу 01.10.2005 йилда Ўзбекистон Республикаси “Давархитеккурулиш” қўмитаси билан келишилган ва Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисида Низом” талаблари ҳамда 02.01.2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ер тузиш, давлат ер кадастри ва ер мониторинги учун лойиҳа-қидирув ишлари учун вақт меъёрлари тўплами” асосида тузилган.

2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг қиймати **427 222 999 (Тўрт юз йигирма етти миллион икки юз йигирма икки минг тўққиз юз тўқсон тўққиз) сўмни** ташкил этиб, бажариладиган ишлар сарф-харажатлар сметаси юқоридаги меъерий ҳужжатлар асосида ҳисобланган.

3. Юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олган ҳолда ушбу шартномани имзолаш ва тўловларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги**  
**Эксперт гуруҳи аъзолари:**

1. А.Жўраев

2. А.Ахмадалиев

3. У.Ниязметов

“25” январь 2022 й

Келишилди:  
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий  
тадқиқот институти директори



Ш.М.Бобомуродов

2022 йил "25" январь

Тасдиқлайман:  
Қишлоқ хўжалиги  
вазири ўринбосари

М.И.Рузметов

2022 йил "23" январь

“Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” ишларига

### ТЕХНИК-ТОПШИРИҚ

**1. Ишларни бажариш асоси:** Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси”да 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4239-сон қарори ва “Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси”да Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510-сон қарори.

**2. Буюртмачи:** Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

**3. Бажарувчи:** Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти

**4. Ушбу ишнинг мақсади:** “Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.

**5. Ишга бўлган асосий талаблар:**

**5.1. Ишларни таркиби:**

Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларида жами **196 886** гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони мавжуд.

- бунда ўрганиладиган объект (массив)ларнинг 5 гектардан элементар участкаларга ажратилди ва ҳар бир элементар участкалардан конверт усулида битта аралаш тупроқ (хайдов 0-30 смли қатламдан) намуналари олинади;

- Олиб келинган тупроқ намуналари тақдимнома асосида лабораторияга таҳлил учун тақдим қилинади.

**Ишларни амалга ошириш тартиби:**

Режалаштирилган ишлар Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан амалга оширилади.

Бунда:

- Тайёргарлик ва дала тадқиқот ишлари бажарилади.

**6. Муддати:** 2022 йил январь– 2022 йил март

**7. Иш натижаларини тақдим этиш шакли:**

Барча ишларнинг якунида:

- ўрганилган массивларни 1:10 000 миқёсдаги агрохимкартограммалари ва 1 центнер ҳосил олиш учун минерал ўғитлар (NPK)га бўлган илмий талаби – 3 нусхада (2 нусхаси

Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Буюртмачи” ташкилот (архивида сақлаш) учун;

- бажарилган агрохимкартограмма натижалари асосида туманлар учун ёзилган тушунтириш хати – 3 нусхада тайёрланади ва тақдим этилади, (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Буюртмачи” ташкилот (архивида сақлаш) учун;

- бажарилган агрохимёвий изланиш натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган таҳлилий маълумотлар 1 нусхада Қишлоқ хўжалиги вазирлигига фойдаланиш учун тақдим этилади.

**Киритилди:**

Лойиҳа бош муҳандиси



Турдалиев Ж.



Келишилди:  
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий  
тадқиқот институти директори

Тасдиқлайман:  
Қишлоқ хўжалиги  
вазир ўринбосари



Ш.М.Бобомуродов

2022 йил "25" январь



М.И.Рузметов

2022 йил "25" январь

Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш". ишлари

## ДАСТУРИ

**1. Ишларнинг бажарилиши учун асос:** Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси", "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғриси"да 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4239-сон қарори ва "Қишлоқ хўжалигида тупроқнинг агрокимёвий таҳлил тизимини такомиллаштириш, экин ерларида тупроқнинг унумдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси"да Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 510-сон қарори.

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буюртмаси асосида "Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш"га оид ТЕХНИК-ТОПШИРИҚқа асосан тайёрланган бўлиб, мазкур ишларни мазмунини ва бажарилишини таъминлайди.

**2. Ишни бажарувчи:** Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти

**3. Иш мақсади ва вазифалари:** "Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрокимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш".

Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларида жами 196 886 гектар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ер майдони мавжуд бўлиб, ушбу майдонларда тупроқ карталарини тузиш ва тупроқ сифатини баҳолаш ишларини тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажаришдан иборат.

**4. Тадқиқот предмети ва методлари:** Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларида мавжуд фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчилар суғориладиган тупроқлари тадқиқот предмети бўлиб хизмат қилади.

Бажариладиган агрокимёвий изланиш услубиёти асосини Ердан фойдаланиш, ер тузиш ва ер кадастри бўйича меъёрий ҳужжатлар – "Суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш ва агрокимёвий картограммалар тузиш ҳамда минерал ўғитларга бўлган илмий талабни ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмалар" (Тошкент, 2019 й.) ташкил этади.

**5. Амалий аҳамияти:** Суғориладиган тупроқларнинг 1:10 000 (массив) масштабдаги агрохимкартограммалари, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларида тупроқнинг озиқа моддалари билан таъминланганлик даражасини доимий кузатиб бориш, қишлоқ хўжалиги экинларининг минерал ўғитларга бўлган илмий талабини аниқлаш, минерал ўғитлардан тупроқнинг ҳолати ва экин турига мувофиқ контурлар кесимида

табақалаштириб фойдаланиш, ўсимликлар томонидан тупроқлардан олиб чиқиб кетаётган озика элементлар миқдорини тўлдириш, табиатда озика элементлар балансини барқарарлаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

**6. Асосий иш турлари ва уларнинг бажарилиш тартиби.**

**6.1. Асосий иш турлари:**

*Режаслаштирилган барча майдонларда:*

-тайёргарлик ва дала тадқиқот ишларини бажариш;

**7. Кутилаётган натижалар:** Барча ишлар якунида массивларнинг 1:10000 миқёсли тупроқ сифатини (тупроқ-бонитировка) баҳолаш карталари тузилади, суғориладиган ерларнинг янгидан бонитировкаланиши таъминланади. Туман учун тушунтириш хати ёзилади.

**8. Жорий этиш:**

Барча ишларнинг якунида якуний хужжатлар тўплами қуйидагича тайёрланади:

1:10 000 масштабда массивлар (собик ширкат хўжаликлари)нинг картограммалари ва 1 центнер ҳосил олиш учун минерал ўғитлар (NPK)га бўлган илмий талаби – 3 нусхада (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Буюртмачи” ташкилот (архивида сақлаш) учун;

- бажарилган картогрмма натижалари асосида туманлар учун ёзилган тушунтириш хати – 3 нусхада тайёрланади ва тақдим этилади, (2 нусхаси Вилоят (туман) қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)ларига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун, 1 нусхаси “Буюртмачи” ташкилот (архивида сақлаш) учун тайёрланади.

**Киритилди:**

/Лойиҳа бош муҳандиси



Турдалиев Ж.

2022 йил “ 25 ” январдаги 2022-2-сон шартнома

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Ишларнинг (босқичларнинг) номи	Ишларни бажариш муддатлари		Ишларнинг (босқичларнинг) нархи, минг сўм	
	Бошланиши	яқунланиши	Жами	шу жумладан жорий йилда
“Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрохимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш”.	2022 йил январь	2022 йил март	427 222, 999	427 222, 999

БАЖАРУВЧИ

Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти директори

  
Ш.М.Бобомуродов  
2022 йил 25 январь



БУЮРТМАЧИ

Қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари

  
М.И.Рузметов  
2022 йил “ ” январь



М.Ў.

“Сирдарё вилояти Оқолтин, Боёвут, Сардоба, Мирзаобод, Ховос ва Гулистон туманлари, Янгиер ва Гулистон шаҳарларидаги мавжуд суғориладиган ерларида тупроқ агрохимёвий тадқиқотларни бажариш ва агрохимёвий картограммалар тузиш ишларининг тайёргарлик ва дала ишлари босқичини бажариш” ишлари бўйича жамланма

(сўм ҳисобида)

**СМЕТА**

№	Туманлар номи	майдон, га	Тайёргарлик ва дала ишлари	Жами, сўм
1	Оқолтин	41 632	88 372 647	88 372 647
2	Боёвут	32 753	70 963 353	70 963 353
3	Сардоба	33 681	71 522 246	71 522 246
4	Мирзаобод	30 599	67 351 574	67 351 574
5	Хавос	34 926	75 501 856	75 501 856
6	Гулистон	21 990	49 957 575	49 957 575
7	Янгиер шаҳар	234	1 090 314	1 090 314
8	Гулистон шаҳар	1 071	2 463 434	2 463 434
<b>Жами:</b>			<b>427 222 999</b>	<b>427 222 999</b>

Тўрт юз йигирма етти миллион икки юз йигирма икки минг тўққиз юз тўқсон тўққиз сўм

“Бажарувчи”

Директор:

Ш.Бобомуродов

Лойиха бош муҳаррири Ж. Турдалиев

“Буюртмачи”

Қишлоқ хўжалиги  
вазирининг ўринбосари  
М.Рузметов



15 январь 2022 йил м. ў

м. ў